



ДАВЛАТ РАХБАРИ АХБОРИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ ЎТКАЗДИ

Мутасадди идоралар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари иштирокидаги мажлисда Жамбил вилояти Қўрдай туманида юз берган воқеага оид профилактика ва ахборий ишлар бўйича масалалар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига келгусида бундай воқеаларга йўл қўймастик учун мажмуавий чоралар қабул қилишни топширди.

Қозоғистон Президенти ёлгон маълумот тарқатиш ҳамда фитначилик каби ҳаракатларнинг олдини олиб, ахборот маконидаги ишларни кучайтиришни топширди.

ХАВФСИЗЛИККА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАНДА

ДАВЛАТ РАХБАРИ ҚАСИМ-ЖҲУМАРТ ТҮҚАЕВ 14 ФЕВРАЛЬ КУНИ ХАВФСИЗЛИККА ДОИР 56-КОНФЕРЕНЦИЯДА ҚАТНАШИШ УЧУН МЮНХЕН ШАҲРИГА БОРДИ.

Сафар дастури бўйича Президент Мюнхен хавфсизлик анжумани музокараларида иштирок этди. Шунингдек, Давлат раҳбари бир неча давлат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, Германиянинг йирик компаниялари етакчилари, академик гуруҳ вакиллари билан иккитомонлама учрашувлар ўтказди.

Ушбу анжуманда 40га яқин давлат раҳбарлари, 100дан зиёд ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари, халқаро муносабатлар соҳасидаги фаол таҳлилчилар қатнашмоқда.

Хавфсизлик бўйича Мюнхен анжумани – энг йирик жаҳон норасмий форумларидан бири. Анжуманда бугунги замоннинг долзарб масалалари ва хавф-хатарлари муҳокама қилинди.

Akorda.kz

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

- Давлат раҳбари Қ. Тўқаев жамоат арбоби Адил Ахметовни қабул қилди. Учрашувда қозоқ алифбосини лотин графикасига кўчиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.
- Ал-Форобийнинг 1150 йиллиги Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасида кенг нишонланади.
- Йил сўнгигача 1000дан зиёд қишлоқ тезкор интернет тармоғига уланади.
- Ўзбекистонда “Маҳалла” ва “Оила ишлари” вазирлиги ташкил этилади.
- Қозоғистонда Швейцария сайёҳлик мактаблари ва UNWTO академияси очилади.
- WhatsAppдан фойдаланувчилар сони 2 млрд.га етди.
- ҚРда аҳоли рўйхати учун бюджетдан 8,2 млрд. тенге ажратилди.
- Қозоғистонлик оғир атлетикачи Илья Ильин Тошкентда ўтган халқаро турнир ғолиби бўлди.
- Алматыда “Олтин квадрат” янги сайёҳлик маршрути очилди. Ушбу йўналиш Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларидан ўтади.
- Қозоғистоннинг 343 нафар фуқароси Хитойда ўз хоҳиши билан қолди.
- Россиянинг учта шаҳрида Абайнинг 175 йиллигига бағишланган кўргазма ўтади.
- Алматыдаги 102та қурилиш компаниясининг лицензияси бекор қилинди.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 15 февраль, шанба. №18 (2793).

А. МАМИН ТУРКИСТОНДАГИ ИНФРАТУЗИЛМА ИШЛАРИНИ ТЕКШИРДИ



3-бет.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЎМИРЗАҚ ШҲКЕЕВ 2019 ЙИЛ ЯКУНИ БҲЙИЧА ҲИСОБОТ БЕРДИ

Туркистондаги ХҚТУ маданият саройида ўтган ҳисобот йиғилишини вилоят маслаҳати котиби Қайрат Балабиев очди. Тадбирда ҚР Президенти маъмурияти масъул вакили Серик Қўжаниязов иштирок этди. Маданият саройида ёзма мурожаатлар учун махсус қутилар ўрнатилди.

Саволлар залдаги микрофонлар ҳамда онлайн тартибда вилоят туман ва шаҳарлари турғунлари орқали берилиши учун барча шароитлар яратилди. Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев Минтақанинг турли жабҳаларда эришган натижаларига батафсил тўхталди.

(Давоми 2-бетда) ►



ЙҲЛЛАР ХАВФСИЗ БҲЛСИН, ДЕБ...

Туркистон вилоятидаги маҳаллий аҳамиятга эга автомобиль йўлларида талабга жавоб берадиганлари улушини 2020 йилда 77,6 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Автомобиль йўлларида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажми бўйича вилоятимиз республикада етакчи ҳисобланади. Йўлларнинг сифатини ошириб, йўл ҳаракати хавфсизлигини кучайтиришга тегишли шу ва бошқа ишлар Сароғоч туманида вилоят ҳокими

Ўмирзақ Шўкеев иштирокида ўтган сайёр мажлисда айтилди. Йиғилишда барча тегишли бошқармалар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Бу йил вилоят бўйича 15 380 чақирим йўлдаги чўқурлар ямалиб, 45 минг ча-

қиримга яқин ерда текислаш, шағал тўшаш ишлари юритилади. Қўшимча 2000та ёритиш чироғи ўрнатилади. Йиғилишда йўл, транспорт ҳодисаларининг сони ортгани ҳам айтилди. Минтақа раҳбари вазиятни барқарорлаштириш учун муфассал муҳокама қилиб, тегишли чоралар кўришни топширди. Шу мақсадда йўл белгилари, светофор ва тезликни ўлчаш ускуналари кўпайтирилади. Вилоят ҳудудида умумий фойдаланишдаги йўллар ва аҳоли манзиллари ичидаги кўчаларнинг узунлиги 16 746 94 чақиримни ташкил қилади. Йўл ҳодисаларининг

аксарияти туманлараро янги йўлларда содир бўлмоқда. Мажлисда, шунингдек, жисмоний шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, минтақадаги этнослараро муносабат ва чегара яқинидаги туманларда қонунларга қандай риоя қилаётгани маълум қилинди.

Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев ҳуқуқ посбонларига бу борада хушёрлик кўрсатиб, халқнинг аҳволини доимий эътиборда тутишни топширди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҲАМИРЗАҚ ШҲКЕЕВ 2019 ЙИЛ ЯКУНИ БҲЙИЧА ҲИСОБОТ БЕРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

– Туркистон вилоятида 2 млн. га яқин аҳоли яшайди. Туман, шаҳар, қишлоқлардан вилоят ҳокимлигига жами 4134та ариза ва таклифлар келган. Шунингдек, вилоят ҳокимлигида жами 809 нафар фуқаро турли масалалар бҲйича қабулланди. Вилоятнинг



Мархабат БАЙГУТ

тараққиёт суръати яхши. Йил бошида 561 млрд тенге этиб белгиланган бюджет бир йилда 217 млрд.га ўсди.

лабки 50 гектарини ишга тушира-
рамыз.

Ўрдабоши туманида нефтни қайта ишлаш заводи қурилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳаси маҳсулотлари бҲйича экспортимиз ўтган йили 213,5 млн. долларни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида 826 минг гектар майдонда деҳқончилик қилинди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш учун ердан йилига 2-3 марта ҳосил олиш усулларини тавсия этмоқдамиз. Исроил технологияси бҲйича вилоятимизда суғорилмайдиган ҳудудда – 130 гектар майдонда тарвуз етиштирилди. Исроилликлар меҳнати эвазига 27 тонна уруғ олишди. Бу неъмат уларда қадрланар экан. Бу йил шу усулда 500 гектар майдонда деҳқончилик қилиш ниятимиз бор.

Туркистондаги «Ақ жол» фирмаси билан ҳамкорликда «Туркистон АГРО XXI» қўшма корхонасини бунёд этдик. Унда 125 хусусий хўжалик жами 1000 гектар майдони билан бирлашган. Кейинги босқичда 1200 бош қорамолга мўлжалланган йирик сутчилик фермасини ишга туширамыз. 5000 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш усули билан маҳсулот етиш-

қувурлари ётқизишиб, ишлар тугалланди, лекин газ йўқлиги сабабли хонадонларга “зангори олов” этиб бормади. Мен бу борада Давлат раҳбарига мурожаат этгач, 60та аҳоли манзилига табиий газ берила бошлади. Туркистон шаҳридаги кўчалар узунлиги 845 чақирим. Яъни, кўчаларнинг 20 фоизигина асфалтланган. 2020 йили бу кўрсаткични 50 фоизга етказамиз. Кўкаламзорлаштириш, яшил белбоғ дастури бҲйича 7700 гектар майдонга кўчат ўтқазилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида 2021 йили 630 ўринли шифохона ишга туширилади. Бу муассаса ўз соҳасида тенгсиз бўлиб энг замонавий жиҳозлар билан таъминланади.

Туризм бҲйича Туркистон шаҳрини 2019 йили 1,5 млн турист-зиёратчилар келиб кўришган бўлса, бу кўрсаткични 2025 йили 5 млн.га қадар етказишимиз керак. Меҳмонхоналар қурилиши жадал юритилмоқда. Биз учун энг мақбули – Самарқанд, Тошкент, Урганч зиёрат шаҳарлари таърибаси мисолида 30-40 ўринли меҳмонхоналар қуришдири, – деди Туркистон вилояти ҳокими Ҳ. Шўкеев ўз маърузасида.

Вилоят ҳокими ҳисоботи юзасидан мулоҳазасини баён этиш учун минбарга ёзувчи, Алаш муқофоти лауреати Мархабат Байғут кўтарилди.

– Ҳамирзақ Шўкеев кам гапириб, кўп ишлайдиган раҳбар. Маърузасидан кўрдингиз, Республикада кўп соҳаларда биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган Туркистон вилояти. Шу ютуқлар кўпайсин. Тараққиётга тўсқинлик қилувчилар Аҳмад Яссавий даврида ҳам бўлган. Яссавий уларни сабр, муроса ва билими билан тарбиялаган. Кечаги Кўрдайдаги воқеалар бизга аччиқ сабоқ бўлди. Ассамблея ишини жонлантириш,



савий мақбарасини қурдирган Амир Темур, Туркистонни вилоят қилиб гуллатган Нурсултан Назарбаев деб фахрланади, деди. Залдаги микрофонлардан

демографияси бизда юқори. Ҳар йили 20 минг одамга кўпаяди. Бу эса яна шунча мактаб қуриш керак демакдир.

Жетисай туманидан Ўспан Асанов пахта баҳоси, субсидия масаласини кўтарди.

Жавоб: Ўтган йили пахта нархи паст бўлди. Қишлоқ хўжалиги вазири билан бирга бу борада ҳамкорликда ишлаб, нархни имкон борича кўтардик. 12 млрд. тенге субсидия берилди. Бу маблағ жорий йилда кўпаяди. Парламентга шу масала қўйилган.


Кентов шаҳридан Маржан Кривенцова кўп қаватли уйларнинг иситиш тизими ва янги уйлар қурилиши масаласини қўйди.

Жавоб: Кентов шаҳри бҲйича эски ТЭЦни таъмирлаш учун 40 млрд. тенге зарур экан. Ҳар бир уйга алоҳида буғ қозонини ўрнатиш эса 9 млрд тенге бўлади. Ҳозир таъриба сифатида Кентовда бу нарса синаб кўрилди. Натижаси яхши. Янги уйлар қурилиши давом этади ва кўпаяди. Кентов шаҳри вилоят маркази Туркистон шаҳри билан бирга ривожланади. **Келес туманидан Лесбек Нуртаев** туман марказидаги транспорт тикчилни ҳақида мурожаат этди.

Жавоб: Бу муаммо мавжуд. Ҳар бир туманга ўтган йили қўшимча 1 млрд. тенге маблағ ажратилганида Келесга ана шу муаммолар ечими учун 2 млрд. берилган. Бу масала эътиборимизда ва назоратимизда. Шунингдек, онлайн тартибида Сайрам туманидан Кўксаёқ – Ақсу йўли бҲйича савол берилди. Сайрам туманидан Амангелди Қабилбеков инвестиция маблағлари бҲйича, Мақтаарал туманидан Сейидкарим Мелдеханов, Чордара туманидан Даурен Муслиманқуловлар ҳам турли мавзулар бҲйича саволлар бериб, уларга батафсил жавоб олдилар.

Вилоят ҳокими Ҳамирзақ Ёстайулининг ҳисоботи бир овоздан қониқарли деб баҳоланди.

Ш. МАДАЛИЕВ.



2019 йил 24 июнда Арис шаҳрида рўй берган техноген ҳалокат туфайли катта қийинчиликларга дучор бўлдик. Элбоши Н. Назарбаев, Президентимиз Қ. Тўқаевларга доимий ғамхўрлик учун вилоят аҳли номидан ташаккур айтаман. Арис шаҳридаги фожиа халқимизнинг бирлигини, жипслигини кўрсатди. 7634та уй аслага келтирилди. 68 иншоот янгидан бунёд этилди.

Вилоятнинг ижтимоий соҳасига 82 млрд. тенге сарфланиб, 96 минг киши қамралди.

Манзилли ижтимоий ёрдам йўналишида аҳолига 70 млрд тенге берилди. Ўрта ҳисобда ҳар оила 120 минг тенгедан ёрдам пули олди.

Туркистон вилоятида 142 мингта кичик ва ўрта бизнес субъекти рўйхатга олинган. Уларда 700 минг одам меҳнат қилади. Бу борада биз республика бҲйича Алмати шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгалладик. Махсус иқтисодий ҳудуд учун 300 гектар ер ажратилди. Биз Шимкент мегаполисидан ажралганимиздан сўнг индустрия соҳаси кескин пасайганини таъкидлаш жоиз. Энергия тақчиллиги мавжуд – истеъмолдаги барча қувват манбаларининг 10 фоизини ўзимизда ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалигида энг йирик лойиҳа – 500 гектар майдонда жойлашадиган иссиқхона бунёд этишга киришдик. Унга 450 млрд тенге сармоя жалб этилади. Жами 10 минг киши доимий иш билан таъминланади. Жорий йилда даст-



тирилади. Туячиликни жадал ривожлантиришимиз керак. Туркистондаги туя сутидан кукун тайёрлайдиган корхона 100 тонна қувватга мўлжаллангани ҳолда 1,5 тонна маҳсулот чиқармоқда. 4 000 бош оналик туя харид қилиш учун кредит берилди. Қишлоқ хўжалигида сув тақчиллигини инобатга олган ҳолда 145 чақирим келадиган Арис-Туркистон каналнинг ўзанини тўлиқ бетонлаш ишлари давом эттирилади. Чўчкақўл ҳавзасида 500 млн. куб метр сув йиғиладиган омбор, Кентовда «Кенсай-Қўшқўрғон-2» сув омбори қурилади.

78та аҳоли манзилида газ

ҳамма вақт йиғишларда бир хил таниш чеҳралар иштирок этиши, қамраб олиш даражаси пастлиги, ёшлар билан кўпроқ ишлаш, уларни ватанпарварлик, бир-бирига кадр, иймон руҳида тарбиялаш олдимиздаги вазифадир. Вилоят ҳокимининг ҳисоботини қониқарли деб баҳолайман ҳамда бугунги айтилган режаларни тўлиқ амалга оширишида муваффақият тилайман.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Жарилқасин Азретбергенов ўз нутқини Амир Темур, Абилайхан каби тарихий шахсларнинг бунёдкорлик ишларига тўхталиб, 2020 йили ҳам халқ Аҳмад Яс-



Жарилқасин АЗРЕТБЕРГЕНОВ

биринчи бўлиб Қазигўрт туманидан Ербўлат Дайрабаев мактаб қурилиши масаласини кўтарди.

Жавоб: 68 мактаб қурилиши давом этмоқда. Уларнинг 26таси 2019 йили ишга туширилди. Аҳоли



ҚР Бош вазири ва Туркистон вилояти ҳокими Туркистон шаҳридаги янги аэропорт ҳамда унга олиб борадиган автомобиль йўли қурилишини текширишди. Иншоот вилоят марказидан 16 чақирим узоқликда жойлашган ҳамда жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга берилади. Терминалнинг ўтказиш қуввати йилига 3 млн. йўловчини ташкил этади.

А. Мамин Туркистондаги инфратузилма ишларини текширди



А. Мамин Конгресс-холл, Ўқувчилар саройи, ҳокимликнинг идоралар зали, бассейнга эга спорт мажмуаси, 7 минг ўринга мўлжалланган стадион, драма театри, вилоят илмий-оммабоп кутубхонаси, аттракционларга эга шаҳар хиёбони, “Буюк Дашт эли” маркази ҳамда Х. А. Яссавий музейи бинолари қуриладиган майдончаларни оралади, шунингдек, “Буюк Ипак Йўли” маркази, Миллий ҳунармандлар маркази ва ташриф маркази биноларини пардозлаш ишларини кўздан кечирди.

Ҳукумат раҳбари ҳар бири 120 хонадан иборат “Rixos Turkestan” ва “Hampton by Hilton” меҳмонхоналари, шунингдек, Туркиянинг “Sembol construction” компанияси қураётган, сармоявий қиймати 80 млрд. тен-

гени ташкил этадиган “Карвонсарой” кўпсоҳали сайёҳлик мажмуасининг қурилиши билан танишди. Уларни жорий йилда ишга тушириш кўзда тутилган.

– Тўнғич Президент – Элбоши Н. Назарбаев ҳамда Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Туркистон шаҳрининг ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йил кузда бу ерда туркийзабон давлатлар ҳамкорлик кенгашининг саммитини ўтказиш режалаштирилган. Шунинг учун барча керакли иншоотлар ўз муддатида ҳамда сифатли битказилишини таъминлаш лозим, – деди А. Мамин.

**Қозоғистон Республикаси
Бош вазирининг
матбуот хизмати.**

Жамоат қабулида ижтимоий масалалар кўрилди

Юзга яқин фуқаро вилоят ҳокими Умирзақ Шўкеев қабулида бўлдилар. Вақтни тежаш мақсадида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Сакен Қалқаманов ва Улан Тажибаевлар ҳам минтақа раҳбари билан бир қаторда фуқароларни қабул қилдилар. Шикоятларда асосан бандлик, бошпана, тадбиркорликка ёрдам каби масалалар тилга олинди.

– Биз ҳар бир ариза, таклиф-талаб ортида инсон тақдири турганлигини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам бугунгидай учрашувларнинг аҳамияти катта. Ҳар бир раҳбар ўз қабулига келган кишини илқ қабул қилиб, унинг аҳволини сўраб, дардини тинглаши лозим. Масалалар фақат қонун доирасида ҳал этилиши зарур, – деди вилоят ҳокими.

Қабулга келган Сайрам тумани, Манкент қишлоғи фуқароси



ҳудудда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ўйин автоматларининг кўпайганлиги, уларнинг ўрнига ёшларга мўлжалланган спорт майдончаларини ташкил этишни илтимос қилди.

Масалаларни муҳокама қилиш давомида таклифлар ва масалани ҳал этиш учун туман, шаҳар ҳокимлари ва давлат идоралари раҳбарларига аниқ вазифалар юклатилди.

Ҳоким қабулида бўлган 90 ёшли Е. Бимаханбетули ўзи яшайдиган Чўрноқ қишлоғини ободонлаштириш масаласини кўтарди.

кунда ҳам Туркистон туманининг маркази бўлса, айни муддао экан.

Минтақа раҳбари таклифни атрофлича ўрганиб чиқиб,

вақтида ишламасдан тўхтаб қолган марказий ҳаммомни қайта ишга тушириш зарурлигини айтди.

А. Жайинбаева эса бошпанали бўлгани учун ҳокимга раҳмат айтгани келибди. Қолаверса, кўп болали она янги уйи яқинида жойлашган мактабдан иш топиб беришларини ҳам ўттинди.

Байдибеклик бир гуруҳ фуқаролар ҳокимдан мол боқиш учун яйлов сўрашди ҳамда беморлар даволаниши учун кундузги стационар қуриб беришни илтимос қилишди.

Шуни таъкидлаш жоизки, келганларнинг барчаси саволларига қониқарли жавоблар олишди.



Оқсоқолнинг айтишича, ушбу қишлоқ вақтида туман маркази бўлган ва бугунги

кейин қарор қабулланишини маълум қилди.

Туркистонлик Р. Шокирова

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

Элга хизмат – олий ҳиммат

Туркистонда волонтерлар ёрдамида фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар берилмоқда.

Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси қошидаги “Ёшлар имконият маркази” ДKK адлия департаменти татбиқ этаётган кўшма лойиҳанинг мақсади тадбиркорлар ва ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга мўлжалланган қатор тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат.

Учрашувда “Қозоғистон Республикасининг айрим қонуний ҳужжатларига давлат хизматлари кўрсатиш масалаларга доир ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ҚР Қонуни моддалари, шунингдек, рўйхатга олиш жараёнида юзага келадиган долзарб масалалар ва уларнинг ечимлари тушунтирилди.

– Ташриф буюрганлар томонидан муаммоли насияларни қайтариш, уй-жой, ижтимоий мақом бўйича базада рўйхатдан ўтиш, давлат дастурларида иштирок этиш каби масалаларга оид кўплаб саволлар берилди. Барчасига тегишли соҳа мутахассислари тўлиқ жавоб қайтаришди. Биз келгусида ушбу ишларни адлия департаменти ходимлари билан ҳамкорликда давом эттирамиз, – дейди “Ёшлар имконият маркази”нинг ёшларга хизмат кўрсатиш бўлими раҳбари Султан Азат.

Майсара САФАРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Марказий Осиё мамлакатлари – Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Қозоғистонда таҳсил олаётган талабаларни ўз мамлакатига қайтармоқда. Қўшни давлат раҳбари Ш. Мирзиёвнинг Фармони билан минглаб ўзбекистонлик талабалар ўзлари ўқиётган олий ўқув юрталарини ташлаб, ватанларига кетишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкентга энг яқин Шимкентда 15 мингдан зиёд ўзбекистонлик фуқаро таълим-тарбия олаётган, уларнинг аксарияти М. Ауезов номидаги ЖҚДУ ҳамда Жанубий Қозоғистон давлат педагогика университетида эди.

Ўзбекистон Ҳукуматининг ушбу қарори қандай сабабларга асослангани ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ.

Фақат Тожикистондан қайтарилган талабаларга берилган расмий жавобга кўра – Тожикистондаги олий ўқув юрталари Ўзбекистон Миллий рейтингига кирмаган, шу боисдан у ерда олинган маълумот сифатига гумон бор экан.

Қолаверса, Тожикистонда (у ерда 5 мингга яқин ўзбек талабаси бор) бир институтдан иккинчисига алмашиш фақат биринчи босқичдан кейин амалга ошади, иккинчи ва учинчи босқич талабаларига эса ёзги сессиядан кейингина бу жараёнга ки-

Ўзбекистон талабаларни Ватанига қайтармоқда

ришишга рухсат берилади. Икки мамлакат ўртасида тегишли шартнома имзоланмасдан, дабдурустдан ўзбекистонлик фуқароларнинг қайтариши – тожикларни ҳам ўта таажубда қолдирди.

Бу жараён Қозоғистонда ҳам анча шов-шувга сабаб бўлди. Минглаб ўзбекистонлик талабалар ҳужжатларини олиш учун, эртаю кеч деканатлар эшиги олдида навбатда туришибди. 7 минг талаба ўқиётган М. Ауезов номидаги ЖҚДУда бу масала жиддий. Ҳозирча юртига қайтиб кетаётган йигит-қизларга ҳужжатлар эмас, фақат транскрипт (ўтилган курслар, тингланган дарслар ва баҳолар кўрсатиладиган академик маълумотнома) берилмоқда. Уни олиш учун талабанинг ўқишдан қарзлари бўлмаслиги керак. Ўзбекистонликлар эса транскриптдан ташқари бошқа ҳамма ҳужжатларини биратўла олиб кетишни хошлашапти. ОУЮ раҳбарияти эса ҳозирча бунга рухсат бермаяпти.

Агар Ўзбекистондаги университет бу ердан борган талабани ўқишга қабул қилмаса, унда у қайтиб келиб, Қозоғистондаги ўқув даргоҳида ўқишини давом эттириши мумкин. Сабаби, қўлида транскрипт бор.

Тожикистонда ҳам худди шундай шарт билан талабаларга жавоб бериш-япти.

Лекин бугунги кунда бирорта мамлакатда ёлғиз академия маълумотномасига асосланиб, бошқа ОУЮдан келган талабани ўқишга қабул қилишмайди. Ҳозирча Ўзбекистонга қайтарилган ёшларнинг қайси олий ўқув юрталарида ўқишлари ҳам номалум. Қолаверса, турли мамлакатлар олий ўқув юрталарининг ўқув дастурлари ҳам ҳар хил, ўқув йилининг қоқ ўртасида университет алмаштирган талабанинг кўп дарс қолдириши, ўзлаштира олмай қийналиши ҳам табиий.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий жавобига кўра Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонда ўқиётган талабалар ҳеч қандай имтиҳонларсиз Ўзбекистон университетларига алмашишлари мумкин экан.

Сабаби, Ўзбекистон ўз фуқароларининг фақат халқаро андазаларга мос, фаол рейтинглардан ўрин оладиган нуфузли таълим муассасаларида билим олишлари тарафдори.

**“Жанубий Қозоғистон”
муҳбири.**

• Брифинг



Туркистон шаҳридаги қурилишлар икки қисмга ажратилган. Улар: маъмурий-тадбиркорлик ҳамда маънавий-маданий марказ. Бу ерда бугунги кунда 15та маданий-маиший иншоот қурилмоқда. Уларни 2020 йили тўлиқ тугатиш режалаштирилган.

Минтақавий коммуникациялар хизматида ўтган брифингда вилоят меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармаси раҳбари вазифини вақтинча бажарувчи Бақтибай Дуйсебеков шуларни маълум қилди.

– Қурилиш бораётган маъмурий-тадбиркорлик марказда 8та иншоот бор. Улар: ёпиқ бассейнга эга спорт мажмуаси, 7000 ўринли стадион, ўқувчилар саройи, департаментлар, бошқармалар уйи, Конгресс холл, Рақамли идора, ўйингоҳлар хиёбони. Бундан ташқари, маданий-маънавий марказда 7та иншоот: Яссавий музейи, “Буюк Дашт” маркази, Хунармандчилик маркази, илмий-оммабоп кутубхона, дра-

ма театри, Тўнғич Президент хиёбони, Арбат. Шунингдек, бу ерда “Карвон сарой” қурилиши ҳам бошланди, – деди Бақтибай Елиқулули.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили 9та иншоот қурилди. Вилоят ҳокимлиги биноси, қабул маркази, Никоҳ саройи, аҳолига хизмат кўрсатиш маркази, амфитеатр, мусиқий фаввора, мусиқа мактаби, олимпиада захиралар мактаби, Шарқ ҳаммоми шулар жумласидан.

Шунингдек, Туркистон шаҳрида хусусий сармоиялар ҳисобидан туристларга муносиб хизмат кўрсатадиган “Rixos”, “Нўр-Өлем”, “Hampton by Hilton” меҳмонхона мажмуалари қад кўтармоқда. Уларни жорий йилда битказиш кўзда тутилган.

Х. А. Яссавий мақбарасининг олд қисмида ободонлаштириш ишлари тугатилади. Шунингдек, Б. Саттархонов шоҳкўчасидаги майдони 20 гектардан иборат истироҳат боғининг қурилиши деярли тугади.

Ўтган йили вилоят бўйича туман, шаҳар меъморчилик ва шаҳарсозлик бўлимлари томонидан 81 253 давлат хизмати кўрсатилган. Яъни, ҚР ҳудудидаги кўчмас мулк объектларининг манзилани аниқлаш бўйича 74 145 маълумотнома, 2809 меъмурий-лойиҳалаш буюртмаси берилиб, 4299та эскиз лойиҳаси тасдиқланди.

Туркистон вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

ЯНГИ ИНШООТЛАР Фойдаланишга берилди



ВИЛОЯТИМИЗ ГЎШТ ЭКСПОРТИДА ЕТАКЧИ



Туркистон вилоятида қишлоқ хўжалиги ялли маҳсулотлари ҳажми 629,8 млрд. тенгени ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 85,5 млрд. тенгега ортди. Асосий капиталга 55,4 млрд. тенге хусусий сармоя тортидди, бу ҳам режадагидан 23,7 фоиз кўп. Буни минтақавий коммуникациялар хизматида ўтган брифингда вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг раҳбари Нурбек Бадирақов маълум қилди.

– Минтақада 70 мингга яқин деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият юротади. Республикадаги улуши – 35 фоиз. Қишлоқ хўжалиги соҳасига 41,6 млрд. тенге қўллов маблағ кўзда тутилган, шу жумладан, 28,3 млрд. тенге субсидия – 27,5 минг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига берилди. Ўтган йил январь-ноябрь ойларида 213,5 млн. АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди, бу 2018 йилнинг тегишли даврига нисбатан 4,6 баравар кўпдир. Чунончи 1 млн. 200 минг тонна деҳқончилик ва 32,8 минг тонна чорвачилик маҳсулотлари экспорт қилинди. Шундан, 19 минг тоннаси гўштдир. Туркистон вилояти бу борада республикада етакчи бўлиб турибди, – деди Нурбек Бақтибайули.

Шу билан бирга, бултур вилоятда қишлоқ хўжалиги экинлари 826,8 минг гектарга жойлаштирилган, яъни аввалги йилгидан 13,3 минг гектар зиёд. Томчилатиб суғориш усули қўшимча 7,8 минг гектарда жорий этилиб, умумий майдони 17,6 минг гектарга етказилди. Шунингдек, 179 гектарда иссиқхоналар қурилиб, минтақадаги умумий майдони 1 114 гектарни ташкил қилди. Республикадаги улуши – 67 фоиз.

Туркистон вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси ташаббусига кўра “Сақ” киностудияси томонидан суратга олинган ушбу киноновеллада туркистонликлар ва шаҳар меҳмонлари ўртасидаги ўзаро дўстлик муносабатлари кенг намоиши этилган. Ватанпарварлик, тарихга ҳурмат каби қадриятларни қалбга синдириш мақсадида томошабинга тақдим этилган фильмда Туркистоннинг ўзига хос хусусиятлари ифодаланган.

Тантанали маросимда иштирок этган “Ёшлар имконият маркази” раҳбарининг вазифини бажарувчи Амалбек Ўмиртай таъсирли фильмини яратгани учун ижодий жамоага миннатдорчилик билдирди.

– Элбошимиз Н. Назарбаевнинг қарори билан Туркистон шаҳри вилоят маркази мақомини олиб, тарихий даврга қадам қўйди. Шундай муҳим палани бошидан кечирган шаҳар қисқа вақт ичида янгилашиб, янги қиёфа кашф этмоқда, – деди А. Ўмиртай.

Майсара САФАРОВА.

“ТУРКИСТОН ЮРАГИМДА!”

**ВИЛОЯТ МАРКАЗИДА ШУ НОМЛИ ЯНГИ
ФИЛЬМИНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ**



МЕН – ДОНОРМАН, ОДАМЛАРГА УМИД БАҒИШЛАЙМАН!

Туркистонда шу мавзуда акция уюштирилди. Вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармасининг “Ёшлар имконият маркази” ва Jas Otan ёшлар қаноти биргаликда уюштирган тадбирда 100га яқин одам иштирок этиб, қон топширди.

Улар орасида Jas Otan ёшлар қаноти аъзолари, Кентов шаҳар, Ўрдабоши ва Ўтрор туманлари ёшлар имконият марказлари ходимлари, кўнгилли ёшлар ва шаҳарликлар бор. Шунингдек, тадбирда “Ахборот-таҳлил маркази”, “Дин масалаларини тадқиқ қилиш маркази”, “Минтақавий маънавий янгилаш” лойиҳавий идораси

ходимлари ҳам жонбозлик кўрсатдилар.

Қон топшириш орқали бошқалар ҳаётини сақлаб қолиш, беморларнинг умрини биров муддатга бўлсада узайтириш мумкинлигини ёшларга тушунтириш, шунингдек, донор бўлиш туфайли кимгадир умид бағишлаш мақсадида уюштирилган акцияда ёшлар Қон марказини ўзгача услубда безатиб, тадбирнинг юқори савияда ўтишига улкан ҳисса қўшдилар.

Акция давом этади.

Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.

Жетисай тумани, Интимақ қишлоқ округидаги Ағинсай ва Ж. Ералиев қишлоқ округига қарашли Утиртўбе қишлоқлари аҳолисининг қувончлари чексиз.

ҚИШЛОҚЛАР ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Сабаби, қирққа яқин хонадони бор ағинсайликлар ва 250га яқин оилага эга утиртўбелликлар кўпдан буён кутган “зангори олов”га эришдилар.

– Бугун, мана, кўпдан кутган газ келиб, роса қувондик. Қишлоғимизнинг газга уланишида бевосита ёрдам берган туман раҳбарига, уй-жой, коммунал хўжалиги бўлимининг ходимларига олқишларимиз чексиз, – дейди Ағинсай қишлоғи оқсоқоли Ўтепберган Мақулбеков.

Туман уй-жой коммунал хўжалиги бўлими ходимларининг маълум қилишича, Ж. Ералиев қишлоқ округига қарашли Кўктўбе қишлоғига ҳам газ ўтказиш ишлари олиб борилаётган экан.

С. ШАРИФБОЕВА.

Куни кеча Туркистон шаҳрида мажлис ўтиб, унда ҚР Уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракатлар агентлиги вакиллари қатнашишди. Улар ўлканинг сармоявий имкониятлари, минтақавий салоҳияти ҳамда амалга оширилаётган лойиҳаларни муҳокама қилишди. “Туркистон” ижтимоий-тадбиркорлик корпорацияси бошқаруви раисаси А. Ахмеджанова агентлик раҳбариятига миннатдорчилик билдириб, ташкилот фаолиятини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашга чақирди.

Меморандум имзоланди

Томонлар ўз ҳамкорлигини меморандум билан мустақамлаб олишди.

Дарвоқе, бугунги кунда агентлик тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Шулардан бири – корпорация ходимларини ўқитиш, бизнес юритиш йўлларини тушунтиришдир.

“Туркистон” ИТКнинг матбуот хизмати.



10та оила уйли бўлди

Туркистон вилояти Байдибек тумани, Мингбулоқ қишлоқ округи марказида қурилиши тугатилган 10та квартиралар 2 қаватли уй фойдаланишга берилди. Янгидан топширилган уйга ёш давлат хизматчилари, уйи ҳалокатли аҳволдаги ҳамда турмуши ночор кўп болали оилалар кўчиб ўтди.

Тантанали тадбирда қатнашган Байдибек тумани ҳокими Бақитбек Танағўзов уй навбатида турган фуқароларга янги квартира калитларини топшириб, эзгу тилакларини билдирди.

Янги уйда кўчиб келувчилар учун барча шароитлар яратилган.

Умуман олганда, Байдибек туманидаги учта қишлоқ округида ёш хизматчилар ва кам таъминланган кўп болали оилаларга мўлжаллаб икки қаватли 10та квартиралар учта уй қурилиши олиб борилган эди. Эндиликда қолган қишлоқ округларидаги қурилиш тугатилган 2та уйга 20та оила кўчиб ўтади, деб режаланмоқда.

Туркистон вилоятининг минтақавий коммуникациялар хизмати.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ ТАБИЙ ҲАҚИҚАТ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ

Ўтган йилнинг якуналари бўйича Туркистон вилояти республика миқёсида туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичлари бўйича 1- ўринни қўлга киритди. Ўтган йил миқтада 55845 чақалоқ дунёга келган. Буни вилоят статистика департаменти раҳбари Айдар Абидабеков маълум қилди.

– 2020 йил 1 январдаги ҳисоб бўйича Туркистон вилояти аҳолиси сони – 2018116 кишини ташкил этди, шундан, шаҳарда истиқомат қилувчилар – 405539, қишлоқдагилар – 1612577 киши. 2019 йил 1 январь билан таққослаганда аҳоли сони 36369 кишига ёки 1,8 фоизга ўсган. Минтақада ўғил болаларнинг кўп туғилиш тенденцияси ҳамон сақланмоқда. Ўрта ҳисобда 1000 нафар қиз болага 1069 нафар ўғил бола тўғри келади, – деди А. Абидабеков.

Туркистон вилояти минтақавий коммуникациялар хизмати

Нархлар пасайтирилди

◆ Брифинг

Табиий монополияни сошлаш қўмитаси вилоят департаменти раҳбари вазифасини бажарувчи Қимбат Бейсенов 2019 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди.

– Элбошининг топшириғига биноан, 2019 йил 1 январдан бошлаб вилоятдаги 49та бозор субъектининг 59та хизмат тури нархлари пасайтирилди. Натижада аҳоли коммунал хизматлардан 3,0 млрд.тенгедан кўпроқ маблағни тежади. Бугунги кунда вилоятда марказлаштирилган иссиқлик билан таъминловчи 6та коммунал ва 4та хусусий корхона фаолият юритмоқда. Ўтган йили тарифлар 1-23 фоизгача пасайтирилган бўлса, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 3-17 фоизга пасайтирилди, – деди Қ. Бейсенов.

2018-2019 йилги иситиш мавсумида ташқаридаги ҳавонинг аниқ ҳароратини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик билан таъминлаш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмини қайта ҳисоблаб чиқиш натижаларига кўра вилоят бўйича умумий миқдори тахминан 1 млн. тенгедан зиёд маблағни истеъмолчиларга қайтариш ишлари юритилди.

2018-2020 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурларига ажратилган маблағ ҳажми тахминан 20,0 млрд. тенгени ташкил этган. Ушбу сармоявий дастурлар табиий монополия субъектларининг узлуксиз, сифатли хизмат кўрсатишини таъминлайди.

Табиий монополия субъектлари томонидан тасдиқланган сармоявий дастурларни амалга ошириш бўйича 1519,8 қақирим узунликдаги муҳандислик тармоқлари таъмирдан ўтказилди. Жумладан, электр энергияси бўйича 261,2 қақирим электр, 8,6 қақирим иситиш ҳамда 1250 қақирим сув ва канализация тармоқлари тўқис таъмирланиб, тўлиқ янгиланди.

Майсара САФАРОВА.

Волонтер йили муносабати билан Туркистонда “OPEN ENGLISH” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ижтимоий тараққиёт бошқармаси қошидаги “Ёшлар имконият маркази” ташаббуси билан ёшлар инглиз тилини бепул ўрганишди. Тил ўргатувчи ўқитувчи ҳам волонтерлар сирасидан.

Тадбирда марказ раҳбари вазифини бажарувчи Амалбек Ҳамраев рақобатбардош мутахассис бўлиш учун чет тилини ўрганиш муҳимлигини таъкидлади.

Малакали устоз Алимжан Бекбулатов Абай номидаги қозоқ миллий педагогика университети битирувчиси, Х. А. Яссавий номидаги ХҚТУнинг магистранти. “Инглиз тили” соҳаси бўйича аввало Европада, сўнг Америкада малака ошириб келган. Бугунги кунда ушбу марказдаги тил курсларининг раҳбари. Тажрибали устоздан билим олиш учун келувчилар кун сайин ортиб бормоқда.

Кўптиллилик – давр талаби



Марказдаги курсларда 30 нафар ўқувчи бўлиб, икки босқичда таҳсил олишади. Барчаси ёшларни қўллаб-қувватлаётган раҳбарлардан миннатдор.

Майсара САФАРОВА.

ИЗЛАНИШ, ИМКОНИЯТ ВА САМАРА

Маориф соҳасидаги бугунги янгиланган таълим босқичи биз, педагоглар учун анча мураккаб ва машаққатли синов даври бўлмоқда, десак, янглишмасмиз.

Узоқ йиллик анъанавий таълимга обдон кўникиб қолган устозларнинг бошида янги таълим ва унга доир услубий қўлланмалар, ўқув дарсликлари – қўйингки, барча ислохотларга хавфсираб, бирмунча ишончсизлик билан қарашган бўлиши ҳам табиий бир ҳол. Шу пайтда янги дарсликлар яратишга бел боғлаш учун эса, халқона ибора билан айтганда, “отнинг калласидек юрак керак эди”.

Аммо доно халқимизда яна бир ажойиб нақл борки, “Чумчуқдан кўрққан тарик эмайди”. Худди шу нақлга амал қилган вилоятимизнинг олий тоифали мутахассиси Шаҳноза Нуралиева раҳбарлигидаги қатор устозлар: Шаҳноза Алиакбарова, Нилуфар Қўрғонбоева, Фаррух Абдалиев, Зуҳра Тошева, шунингдек, фахрий ҳордиқда бўлсалар ҳам ўз кўмагини аямай келатган Бегмат Турдиқулов, Нурулло Дўстматов каби фидойи устозлардан иборат ижодий гуруҳнинг барча қийинчиликлари ва тўсиқларни мардонавор енгиб, биз, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг оғир меҳнатларини энгиллатиб, 5-синфдан то 10-синфга қадар бўлган барча ўқув дарсликларимиз, услубий қўлланмаларимиз ва ҳатто бўлим ҳамда чорак якуни юзасидан ўтказилган жамловчи баҳолаш топшириқларимизгача ишлаб чиқарилган – улкан бир жасорат бўлди.

Шу кунларда ижодий гуруҳ томонидан 11-синф дарслиги яратилиши жараёнида ҳам ана шундай қизғин ижодий меҳнат кетаётганлиги шак-шубҳа йўқ. Мана, яқинда янги 10-синф тил ва адабиёт дарсликлари ўқув-

чиларимиз қўлига етиб борди. Уларнинг қувончлари чексиз. Биз, устозлар эса даҳо шоирга жинговбардорлик қилган шох кўйини бошдан кечирдик, десак муболаға бўлмас. Зеро, юқорида тилга олган устозларимизнинг миллатимиз тили ва адабиёти равнақиға қўшаётган ҳиссалари салмоғи кам эмас.

Янги дарсликларимизни варақлар эканмиз, улардаги ҳар томонлама афзалликларни кўриб, кўз қувонади. Уларнинг чоп этиш сифати, безатилиши ва албатта, мазмун-моҳияти ижодий гуруҳнинг бу ишга нақадар масъулият билан ёндашганлигидан далолатдир.

Шу ўринда янги дарсликлар борасида айтажак қуйидаги ижобий фикрларимиз, ўйлашимизки, бошқа ҳамкасбларимизнинг ҳам кўнглидаги мулоҳазалар бўлса, ажабмас. Мана, кўлимда Ш. Нуралиева ва Н. Қўрғонбоевалар муаллифлигидаги табиий-математик йўналишдаги 10-синф “Ўзбек адабиёти” дарслиги. Дарсликда айни монанд сарлавҳали тўрт бўлимга жо бўлган адиблар ҳақида маълумотлар ва уларнинг асарларидан намуналар, шу билан бирга, назарий маълумотлар изчил тартибда берилган.



Унда “Бугун дарсда” деб номланган руҳ устозлар учун ҳар бир дарснинг асосий мақсадларини ёритса, “Зар қадрини заргар билар” руҳида берилган адабий ҳикматлар, маззуну ўзлаштириш ҳамда БЖБ ва ТЖБ учун асқотувчи турли топшириқлар, тест саволлари дарснинг самардорлигини оширишда бебаҳо манба бўлиши аниқ.

Албатта, дарсликлар бора-бора айтилажак ижобий фикрлар кўп. Ҳамкасбларимиз ҳам бунга амин бўлишаркандир. Навоий ҳазратларининг ғазалларидан бирида: “...бир-бир не дейин, бошдин-аёқинг яхши...” дейилганидек, бир сўз билан айтсак, янги дарсликларимиз учун муаллифларимизга чексиз ташаккурларимиз бўлсин!

Меҳнатларининг самарасидан кўзлар қувонсин. Демак, эндиги гап – биз, устозларда. Шундай ажойиб дарсликлар билан энди биз ҳам жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилайлик-да, кўзланган мақсад сари дадил қадам ташлайлик.

Робия ДЎСТОНОВА,
Т. Бегманов номи ўрта мактаб ўқитувчиси.
Келес тумани.



Ўтган йил 2 майда Шимкент шаҳар Ал-Форобий туман суди Саудия Арабистонида қўлга олиниб, Қозоғистонга экстрадиция қилинган 41 ёшли Дилмурод Маҳаммадовни 8 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Жазосини хавфсизлиги ўртача даражадаги ҳибсхонада ўтаётган Дилмурод Маҳаммадов ҚР Жиноят кодексининг “Ижтимоий, миллий ёки диний низо кўздиретиш” ва “терроризмни тар-

зистон Республикасида анъанавий Ислом таълимотини ўзлаштирган. Абдусаттор Смаиловдан билим олиб, ўзбек тилидаги тафсирини қозоқ тилига таржима қилган. Қирғиз Республикасида таҳсил олиб келгандан сўнг Сариоғоч туманидаги “Убай ибн Каъб” мадрасасида шогирдларга билим берган. Ўзининг диний билимини бойитиш мақсадида Дилмурод Маҳаммадов 1998 йили Сурия Араб Республикасидаги Омения университетида ўқишга тушган. Мазкур илм даргоҳида 2 йил таълим олиб, 2000 йили Саудия Арабистонининг Мадина

имкониятга эга бўлишди. Стипендиялари 150-200 АҚШ долларини ташкил этди. Ётоқхонада бепул яшаш, ошхонада овқатланиш имконияти берилди. Сўнгги ўн йилликда оилали кишиларга болалари ва аёлини ўзи билан бирга олиб келишга рухсат этилди. Албатта, бундай имкониятлар Қозоғистондаги диний мактабларда бўлмади. Ёшлар мазкур имкониятлардан фойдаланиб, ушбу университетларда жуда яхши теологик тайёргарликдан ўтишди. Келажакда “юлдуз”ни тарғиб қилувчилар таълим масканларининг кафолатчилари бў-

мурод Маҳаммадов ўзининг шогирдларини урушга ёки жиҳод қилишга очиқ турда чорламади. Бироқ Сурияга кетган кўп кишиларнинг Дилмурод ва бошқа “етакчилар”нинг хутбаларини тинглаш орқали салафийлик оқимида юз бургани аниқланган. Уларнинг халифалик тўғрисидаги фикрларидан руҳланиб, улар Қозоғистондан воз кечган. Ўз элидан “кофир” деб бешиб, Сурияга йўл олган. Кўпчилиги шу ерда ҳаётдан кўз юмган. Шу туйғайли қанчадан қанча беғуноҳ болалар ҳаёт билан видолашишди. Ҳозирги кунда

◆ Гар огоҳсан...

деб тушунтиришади. Бизнинг бу воқеани муҳокама қилишимизга сабаб нимада?

Қозоғистонда салафийликни ёқловчиларни ана шундай раҳнамоларининг ҳибсга олинганлигидан ижобий хулоса чиқариб олишга ундаш. Яъни, уларнинг жамият билан зиддиятларини тўхтатишдир.

Салафий оқимининг вакиллари эл бирлиги ва осойишталигига хавф туғдирмаслиги керак. Уларга Қозоғистон кадритлари ва анъаналарини ҳурмат қилишлари кераклигини

АДАШГАННИНГ ЖОЙИ — БОШИ БЕРК КЎЧА

ғиб қилиш” моддалари бўйича айбдор деб топилган. Ўзи Дилмурод Маҳаммадов ким?

У салафийлик оқимини тарғиб қилади. Саудия Арабистонида Қозоғистондан борган фуқароларга диний хутбалар ўқиган. Бу эса Қозоғистон қонунига мутлақо зид. Унинг жазолат билан олиб борган вазларининг аудионусхалари интернет тармоғига юкланиб, тўғри йўлдан оған талай кишининг тафаккурини заҳарлаган. Унда айтилган фатволар миллатимизнинг миллат сифатида сақлаб қолинишига ивтиқ бўлиб ўтирган қадриятларимизга болта уришга қаратилган ҳаракатларга йўналтирилган. Дилмурод Маҳаммадов қариндошлик муносабатларини тарқоқлаштириб, агрессияни юзага келтирадиган диний мавъизаларни юритган. У туйғайли талай оила надоматга қолди. Қозоғистондаги террорчилик ҳаракатларнинг барчаси деярли ушбу оқимни ёқловчилар кўли билан содир этилганнинг ўзи бунга ёрқин мисолдир.

Ваколатли орган юритган тергов пайтида экстремистик йўналишдаги жиноятлари учун судланган 20 нафар фуқаронинг Дилмурод Маҳаммадовнинг хутбасини тинглагани исботланди. Салафийлик оқимини ёқловчилар олиб борган диний ваз пайтида Дилмурод Маҳаммадов қандай масалаларнинг моҳиятига етиб бормади? Нимани теран тушунмади? Бу борада фикр юритишдан аввал, даставвал унинг ҳаёт йўлига назар ташлайлик.

У 1978 йили Туркистон вилояти, Сариоғоч туманида дунёга келди. Қозоғистон Республикаси фуқароси. Оилали. Икки хотини ва 10 боласи бор. Интернет тармоғида “Дилмурат Абу Муҳаммад” номи билан танилган шахс.

Дилмурод Маҳаммадов 7-синфини тамомлагандан сўнг, Ўзбекистоннинг Наманган ва Андижон шаҳарларида диний таълим олган. Кейин Қирғиз-

на шаҳридаги Ислом университетининг “Ҳадис” факультетини тамомлаган. Қатар мамлакатига ҳам диний таълим олишга муваффақ бўлган. Ушбу элда таълим олиб юргандаёқ, ноанъанавий салафий оқимига юз бурган.

Дилмурод Маҳаммадов Саудия Арабистонида диний таълим олишга борган дастлабки қозоғистонлик талабалардан бири. Бу ерда илоҳиётшунослик университетига грант асосида ўқишга тушгандан сўнг, фаолашиб, янгидан келган талабаларга диний дарслар берган. Бунга қўшимча равишда Мадина шаҳри меҳмонхоналарида Қозоғистон ёки Марказий Осиёдан ҳаж сафарига борган кишиларга диний сабоқлар берган. Бошқа шахсларнинг ҳам ноанъанавий салафий оқимига юз буришига таъсир ўтказган. Бунга қўшимча равишда Дилмурод Маҳаммадовнинг шогирдлари устозларининг Саудия Арабистонида ўтказган дарсларини аудиоёзув билан ҳужжатлаб, интернет тармоғига узлуксиз юклаб ўтиришган. Шу тарзда у Қозоғистонда ва умуман Марказий Осиёда интернет тармоғида танилиб улгурган. Қозоғистонлик салафийлик оқими аъзоларининг асосий қисми ҳозиргача Дилмурод Маҳаммадовнинг интернетдаги диний дарсларини тинглаб келишади. Павлодар вилоят динлараро муносабатларни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш марказининг директори Гулназ Мақсут қизи маҳаллий ОАВга берган суҳбатида шундай дейди:

– 2000 йилларнинг бошида бизнинг қозоғистонлик йигитлар илоҳиётшуносликдан таълим олиш учун хорижга кетишди. Шу пайтда биз Саудия Арабистони Қироллигидаги таълим шартлари билан рақобатлаша олмадик. Жумладан, бизнинг давлатдан борган талабаларга бепул билим олиш имконияти берилди. Улар уйларига бориш учун бепул авиачипталар билан таъминланишди. Йилга бир марта ҳожиликка бориш

лишди. Натижада улар интернет орқали бизнинг жамиятга ёт диний мафқурани кенг тарғиб қила бошлашди.

Шу билан бирга, салбий оқимдаги бундай фуқароларнинг асосий муаммоси – Қозоғистон халқининг фуқаровий, миллий яхлитлигини йўққа чиқаришга уриниш бўлди.

Дилмурод Маҳаммадовнинг интернетга юкланган вазларини махсус мутахассислар миллатлараро ва диний тафовутни кўздиритишга йўналтирилган экстремистик деб топди. Ўз навбатида унда айрилган насиҳатларнинг мақсади ноаниқ, аксинча яширин эканлигини англаш қийин эмас. Айтайлик, Дилмурод Маҳаммадов бошқа динлар ва этносларнинг вакилларидан нафратлашишга ундаб, жамиятдаги миллатлараро ва диний низоларни кўздиритди. Шу билан бирга, намоз ўқимайдиган фуқароларга “кофирлар” деган тамғани босади. Дилмуроднинг интернет тармоғидаги дарси чоғида айтган ваъзлари тингловчиларнинг тафаккурида нафрат туйғусини уйғотадиган кишиларнинг нохуш қиёфасини шакллантиради. Мутахассислар интернетда тарқатган аудиоёзувлар орқали Дилмурод Маҳаммадовнинг мавъизаси жамиятнинг бирлигини бузишга йўналтирилганига амин бўлишди.

Дилмурод Маҳаммадов 20 йил мобайнида Ватанида яшамади. Шу боис ҳам у Қозоғистон қонунларини тўлиқ билмасдан мавъизаларини интернет орқали тарғиб қилган. Бу борада у ўзига кўп эрк бериб юборганлигини таъкидлаш жоиз. Яъни, унга ҳокимият ҳам, Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳам мусулмонларга мавъиза айтиш тўғрисида топшириқ бермаган. Бунга унинг на ахлоқий, на қонуний ҳаққи бор эди. Бироқ...

Павлодар вилоят динлараро муносабатларни таҳлил қилиш ва ривожлантириш марказининг директори Гулназ Мақсут қизи ўз фикрида “Ҳа, Дил-

жазосини ўтаётган фуқароларга “Кимларни тингладинг?” деган савол берганимизда Дилмурод Маҳаммадовни кўрсатишади. Агар улар Д. Маҳаммадовнинг дарсларини тингламаганда ёт оқимнинг этагида кетармиди? Экстремист аталармиди... Тақдир хавф остида қолган бу фуқаролар орқали Д. Маҳаммадовнинг айблари тақиқланди”, деб келтиради махсус мутахассислар юритган мулоқот пайтида Дилмурод Маҳаммадов “Кўплаб фуқаролар мен туйғайли қамоқхонага тушиши мумкин эканини тушунаман. Балки оналарнинг дуои бади менга теккандир”, деган. Мутахассислар бунинг ўзини ижобий жиҳат



эслатиш лозим. Реабилитация марказларидаги теологлар ва масжидлардаги имомлар уларга ёрдам беришга доим тайёр.

М. АБДИРАЙИМ.

ҚАМОҚХОНАДАГИ ШАРОИТЛАР БИЛАН ТАНИШИШДИ

Уюшган жиноятчиликка қарши сиёсатни амалга оширишдаги асосий устуворлардан бири превенция, яъни унинг олдини олишдир.

Ушбу мақсадда, “Шимкент – адолат майдони” лойиҳаси доирасида шаҳар бандлик ва ижтимоий муҳофазалаш, қишлоқ хўжалиги ва ветеринария бошқармаларининг ходимлари Шимкент шаҳар тергов изоляторида қарашли ИЧ-167/11 маҳкамасига бориб, унда ҳибсга олинганларни сақлаш тартиби билан танишишди.

Тадбир ҚР Уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракатлар агентлигининг Шимкент шаҳар департаменти ва шаҳар Жиноий-ижро тизими департаменти ҳамкорлигида уюштирилди.

Ташкилотчиларнинг айтишича, мазкур соҳалар ижтимоий аҳамиятга эга, аҳоли билан тигиз алоқа ўрнатган соҳалардан биридир.



Улар мансабдорларни қамоқхонада сақлашдан ижобий натижа бўлмаслигига ишонишади. Шу боис ҳам ҳамкорликдаги тадбирлар орқали давлат ходимларининг тафаккурини ўзгартириб, мансабдорларни порахўрликка мурокасизлик руҳида тарбиялаш даркор.

Тадбирда Жиноий-ижро тизими департаменти ходимлари келувчиларни қамоқхона тартиби билан таништиришди.

Уюшган жиноятчиликка қарши хизмат вакиллари мазкур тадбир давлат хизматчиларини ўйлантириб, ҳарқимнинг ўз эркинлиги, оиласи, уйи, ишини баҳолай олишида самара кўрсатишига ишонч билдиришди.

Тергов изоляторида сақлаш тартиби билан бугунги кунга қадар 300дан зиёд давлат муассасаси ходими таништирилди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

● Ўзбекистонлик ёшлар ижодидан



ЁМҒИР ОСТИДА

Ҳикоя

Дарсдан шошиб чиқдим. “Ана холос”, – деб юбордим ёмғир аёвсиз қуяётганини кўриб. Аксига олиб, бугун бир кўргазма ташкилотчилари билан суҳбат уюштиришим керак эди.

Шундай ёмғирда бориш шартмикан-а? Бугун бормай қўяқолсам-чи?

Йўқ, эртанги дарсга бирор нима тайёр бўлиши керак! Мени фикримдан қайтармоқчи бўлгандай ёмғир ҳам савалаб қуярди. Соябонимни очдим-у, бекатга югурдим. Автобус келиб қолар... Ногоҳ бекат ортида турган, ёмғирда ивиб кетган бир йигитга кўзим тушди. Соябони ҳам йўқ экан, панага ўтса бўлмасмикин? Анчадан бери турибдиёв, қалин, қоп-қора сочлари сувга яхшигина бўккан. Нигоҳи эса бир нуқтадан узилмайди – баланд оппоқ девор...

Деворда бирор нима борми, деб роса тикилдим – бегард. Йигит охири зерикдими ёки чарчадими, бекат ўриндигига – ёнимга чўкди. Шу пайт кўргазма томон борувчи автобус ҳам келди. Чиқишим керак... Ўрнимдан турдим. Йигит хўрсинди... Тўхтадим. Автобус кетди. Мен жойимга қайтиб ўтирдим. Шу дамда мени кўргазмадан ҳам нотаниш йўловчи кўпроқ қизиқтирар эди. Балки у ҳам бир дардқашга муҳтождир...

– Тинчликми, ака?
У “менга гапирасизми” дегандай қаради. Бироз ўтиб сўз қотди:

– Нима, сиз сира ташвишга дуч келмайсизми?

– Бўлиб туради. Лекин... уни енгиш керак. Сиз эса ўзингизни...

– Хароб қиялманми?
– Ўзингиз ҳам биларкансиз-ку! Нега бундай бўлди, деб ўйланавермай, муаммони ҳал этиш йўллари излаш керакдир, балки...

– Йўқ, нега бундай бўлди, деб ўйлайман мен. Чунки шундай бўлиши керак эди. Уни ҳал этиш йўли ҳам йўқ. У энди ёнимга қайтмайди...

– Ҳа... демак, севги дарди денг?
– Севги! Эҳтимол, севги бу туйғу олдида ожиздир.

– Муҳаббатингиз шунчалик кучли экан, нега унда айрилдингиз?

– Ким билади? Бу фақат Яратганга маълум. Ўзи шундай – гўзал хилқат бевафо бўлади.

– Демак, севганингизга вафо етишмабдида?

– Ҳа... у мени жилмайибгина ташлаб кетди. Усиз яшолмаслигимни биларди... Севгимиздан кечиб кетди-я! Жавоҳирингни ташладинг-

кетдинг!

Йигитнинг кўзларидан томчилар шашқатор оқа бошлади, худди бугунги ёмғирдай... Нима деяримни, нима қиларимни билмай қолдим. “Бир қизга ҳам шунчаликми?” – деб ҳам ўйладим.

– Нега мана бу деворга тикилиб тургандингиз?

– Чунки... девор ортида унинг уйи бор.

– Чиқишини пойладингизми?

– Йўқ... У чиқмайди. Ёмғирни яхши кўрарди, шунинг учун ёнига келдим. Аммо девор ортига ўтишга юрагим бетламайди...

– Ҳа, одамлар кўрса яхши бўлмайди. Бировнинг уйига берухсат кириш...

– Менга рухсат шарт эмас. Энди керакмас...

Шу пайтгача иккимиз кимларнингдир рухсатию буйруқларига бўйсуниб яшадик. Охири нима бўлди?! Ҳатто бирор марта кўлидан ҳам тутолмадим...

– У ҳозир... турмушга чиққанми?

– Турмушга чиқсаюм розийдим. Ахир бир кун қолганди тўйига. Лекин у истамади! Менга хиёнат қилолмади...

– Ундай бўлса... Нега мунча қийналасиз?

Йигит ўрнидан турди.

– Мен ундан хабар олиб келай...

– Майли... Унга салом айтинг.

Йўловчи кетди. Девор ёқалаб кетди... Эшиги қаердайкин, билмадим. Мен ҳам кетдим. Кўргазмага эмас, уйимга. Бирор “нима” ҳам ёздим: “Девор ортида”.

Менга ҳануз жумбоқ эди, не бор эди девор ортида? Йигитни эса бу ерда бошқа учратмадим. Балки ёмғир яна ёққанида кўрарман уни? Жаовсиз саволларимга жаов берар у?

Ёмғир шу бўйи ёрмади... Орадан бир ой ўтди. Ҳаво иссиқ. Ўша бекатдаман. Девор оқланяпти. Ҳашарчилардан сўрадим:

– Девор ортида ким яшайди?

– Ҳеч ким яшамайди. Бу ер безабонлар макони. Қабристон...

“Қабристон?!”

Девор ортидан аёл ноласи эшитилди: “Эҳ, болам-а... нималар қилиб қўйдинг? Тўйингни кўролмаган онанг ўлса бўлмасмиди? Оҳ, Жавоҳирим...”

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА,
ёзувчи.
Тошкент.

● Спорт

ҚИЗЛАР МАЙДОНГА ТУШДИ

«Сайрам» тиббиёт коллежи соврини учун Сайрам даҳасидаги мактаблар ҳамда коллеж ўқувчиларининг баскетболдан анъанавий турнири ўтди.

Унда бешта қизлар ва ўнта ўғил болалар жамоаси қатнашди. Қизлар орасида турнирнинг бош соврини ва биринчи ўринни Е. Юсупов номли мактабнинг қизлари ютиб олишди, 71-сонли мактабнинг қизлари иккинчи ва Е.Юсупов номли мактабнинг иккинчи жамоаси учинчи ўринни ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди. Ўғил болалар орасида ўтган учрашувлар ҳам кескин спорт курашлари остида бўлиб, бош совринни яна 104-сонли Е.Юсупов номли мактаб жамоаси ютиб олди, иккинчи ўринни 71-сонли мактаб жамоаси эгаллади, фахрли учинчи ўрин 10-сонли касб-хунар коллежи талабаларига насиб этди.

Турнирни ташкил қилиш ва ўтказишда тиббиёт коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси, стол теннисидан Қозоғистон спорт устаси Гулмира Иброҳимжонова алоҳида жонбозлик кўрсатди.

И. ТОЖИБОЕВ.

Сыбайлас жемқорлықтың алдын алу – ортақ парызымыз

Түркістан қаласындағы №1 мамандандырылған өрт сөндіру бөлімінде 67 қызметкерлерден тұратын жеке құрам жұмыс істейді. Мемлекетіміздің сыбайлас жемқорлыққа қарсы күрес бойынша Елбасы Н. Назарбаевтың бағыт-бағдарламасы, Президентіміз Қ. Тоқаевтың халыққа Жолдауы негізінде өткен жылы 4 рет жеке құрам жиналысында сыбайлас жемқорлықтың алдын алу, болдырмау мақсатында тақырыптар талқыланды. Үстіміздегі жылы Nur Otan партиясы қалалық бөлімі, қаржы полициясы, қоғамдық ұйымдар мен біріккен түрде №1 мамандандырылған өрт сөндіру бөлімі қызметкерлері қалалық маслихат депутаты Айдос Кенжеханұлы Абпазов басшылығында біріккен жиналыс өткізіп, алдағы міндеттерді талқылады.

Сыбайлас жемқорлықпен күрес барлық мемлекеттік органдар мен лауазымды адамдардың қызметінің басым бағыттарының бірі болып табылады. Мемлекеттік органдардың басшылары немесе Қазақстан Республикасының Президенті айқындайтын өзге де лауазымды адамдар, ұйымдардың, жергілікті өзін-өзі басқару органдарының басшылары өз құзыреттері шегінде «Сыбайлас жемқорлыққа қарсы күрес туралы» Заңының талаптарын орындауды және онда көзделген тәртіптік шараларды қолдануды, кадр, бақылау, заң қызметтері мен басқа да қызметтерді осыған тарта отырып қамтамасыз етеді.

Даулет ТАНИРБЕРГЕНОВ.

Түркістан қаласындағы №1 мамандандырылған өрт сөндіру бөлімінің бастығы, азаматтық қорғау подполковнигі.

● Ана холос!

ҚИМОРНИНГ КАСОФАТИ

WhatsApp ижтимоий тармоқларида бир амалдорнинг ишхонасида (кечки соат 21.00да) бир гуруҳ ҳамқишлоқлари билан қарта ўйнаб ўтиргани ҳақидаги хабар-лавҳа тарқади.

Давлат хизмати ишлари бўйича вилоят департаменти мутасаддилари текшириб, ушбу амалдорнинг Чордара тумани Қ. Турисбеков қишлоқ округи ҳокими А. Сейдалиев эканлигини аниқлашди ва ҳокимнинг иши Интизом кенгашига ҳавола этилди.

Ҳокимнинг давлат хизматчисига номуносиб хатти-ҳаракатлари Давлат хизматчиларининг Одоб кодекси талаблари асосида қаралиб, унинг “хизматига нолайқлиги” ҳақида огоҳлантирилди. Ушбу интизомий жазони қўллаш вазифаси Чордара тумани ҳокимига топширилди.

Шунингдек, таъкидланган кенгашда давлат хизматчисига интизомий жазо қўллаш тартибини ва давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар муддатини мунтазам равишда бузгани учун Сайрам тумани Қорасув қишлоқ округи ҳокими Е. Бекбердиевнинг хулқи ҳам муҳокама қилиниб, иш натижасига кўра унга “хизматига муносиб эмаслиги” ҳақида огоҳлантириш берилди. Жазони қўллаш Сайрам тумани ҳокимига тавсия этилди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

Меросхўрлар диққатига!

2019 йил 13 июль куни вафот этган Усманова Сулғунай (вафоти тўғрисидаги шаходатнома рақами 2135671) мол-мулкига даъвогар барча меросхўрлар Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи, Т. Рустамов кўчасидаги 36-уйда жойлашган нотариал идора нотариуси Б. Е. Игисовага учрашишлари мумкин.

Туркистон вилояти ҳокимлиги ва вилоят ҳокими девони вилоят маслаҳатининг депутати ўмирзақ Мелдехановга опаси
Қиздиғой ПЕРДЕБЕК қизи-
нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги Ҳамза номли умумий ўрта мактаб жамоаси мактаб кутубхоначиси Шаҳноза Бойшеновага қайнонаси
РИСОЛАТ ая-
нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси жамоаси Туркистон вилоят маслаҳати депутати ўмирзақ Мелдехановга опаси
Қиздиғой ПЕРДЕБЕК қизи-
нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Туркистон вилояти ҳокимлиги ва вилоят ҳокими девони “Замана” биродарлигининг бош директори, журналист Иса ўмарулига опаси
Дариға ўмар қизи-
нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси жамоаси “Замана” биродарлигининг бош директори Иса ўмарулига опаси
Дариға ўмар қизи-
нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти Туркистон вилоят маслаҳатининг депутати ўмирзақ Мелдехановга опаси
Қиздиғой ПЕРДЕБЕК қизи-
нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти “Замана” биродарлиги бош директори Иса ўмарулига опаси
Дариға ўмар қизи-
нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!

● Пиёда юриш – саломатлик гарови

ТУРКИСТОННИ ЯЁВ КЕЗГАНДА...



Туркистон шахрининг ибратли фуқароси, нафақадаги муסיқа фани ўқитувчиси Шокир Турсунметов билан навбатдаги суҳбатимиз Алишер Навоий таваллудига бағишланган тадбирда кечди. (Ш. Турсунметовнинг ўғли Шерали туғилганда Туркистонга зиёратга келган машҳур ҳофиз Шерали Жўраев чақалоқнинг оғзига мендек атоқли санъаткор бўлсин, дея ирим қилиб туфлагани ҳам шонли ва қизиқарли тарих. Ҳозир Шерали машҳур ғижжакчи).

– Узоқ йиллар соғлом турмуш тарзи, дастлаб велосипед, сўнгра пиёда юриб, нафақага чиққунга қадар уйдан иш жойига – Ш. Ниёзов номли мактабга ва яна уйга ҳар қандай об-ҳаво шароитига қарамай, узоқ йўл босиб, пиёда бориб келишингиз кўпчиликка ибрат...

– Тўғри, бу анъанага ҳозир ҳам қатъий риоя қиламан. Бомдод намозидан сўнг уйимиз яқинидан ўтадиган Б. Саттарханов шоҳқўчасида бунёд этилган йўловчилар ва велосипедчилар йўлаги бўйлаб ҳар куни 10 чақирим йўл юраман. Шу боис бўлса керак, ўзимни бардам ва тетик ҳис қиламан. Туркистонда аҳоли учун яратилган қулайликлар учун давлатимизга ташаккуримни изҳор этаман. Барчани шу усулни қўллашга ва саломатлик учун пиёда юришга даъват этаман.

– Машҳур шоир Ҳамид Олимжоннинг шеъридаги «Водийларни яёв кезганда, бир ажиб ҳис бор эди менда», деган сатрларга ҳамоҳанг равишда Туркистонни у бошидан бу бошига кўп ва хўп кезган инсон сифатида сизга саволимиз бор.

Қозоқ тилида «Жолаяқ» деган сўз бор, оҳиста югуриш деган маънони билдиради. Сизда Маккага пиёда сафар қилиш нияти хаёлингизга келмаганми?

– Шу ниятимни қачонлардир амалга оширсам, табаррук Туркистондан Маккага пиёда борсам, йўл-йўлақай Туркистонни туркийлар тарихи, маданияти маркази сифатида тарғиб қилиб, ўз фуқаролик ҳамда мусулмонлик бурчимни адо этсам, деган мақсадим бор. Агар шу ишга ҳомийлар кўмак кўрсатишса, нур устига нур бўларди.

– Биринчидан, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилаётганингиз, иккинчидан, шу йил куз ойларида халқаро анжуман ўтадиган Туркистондан ҳаж сафарига пиёда отланиш ниятингиз учун миннатдорчилик билдириб, сизга моддий ҳомийлик кўрсатадиган тадбиркорларимиз ушбу мақолани ўқигач, ҳимматларини намоён этадилар, деб ўйлайман. «Жанубий Қозоғистон» газетаси эса шу хайрли ишга ахборий қўллов кўрсатади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Шеърият минбарига –
Ханбиби Есенқара қизи

Шимкент шахрининг «Ўтрор» кутубхонасида ўтган «Шеъриятнинг мўтабар минбари»нинг навбатдаги меҳмони таниқли шоира Ханбиби Есенқара қизи бўлди.

Учрашувни шоир Нармахан Бегалиули очиб, анъанага кўра, кириш сўзини буюк қозоқ мутафаккири ва оқини Абайнинг ижодий фаолиятига бағишлади. Шундан сўнг дастлабки сўз Шимкент шаҳар ҳокимлиги маданият, тилларни ривожлантириш ва архивлар бўлими раҳбари Р. Минбаева берилди. У шоирага шаҳар ҳокими М. Айтеновнинг эзгу тилаklarини етказди ҳамда унинг номидан гулдаста ва совға тақдим этди.

Шоира С. Камолова Х. Есенқара қизининг «Жібек» қиссаси ўзбек тилида чоп этилаётганини маълум қилса, таниқли ижодкор З. Мўминжонов унинг ўзбек ва қозоқ адабий алоқаларини мустаҳкамлашдаги фаолиятига тўхталиб, «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси ҳамда «Ижодкор» адабий бирлашмаси номидан совға ва гулдаста армуғон қилди.

«Ўтрор» кутубхонаси директори

А. Жаппарқулова, меҳнат фахрийси, шоир Қ. Тўретаи, ёзувчи Т. Алжигит, маданият ва таълим соҳаси ходимлари касабга уюшмалари кенгашининг вилоят бўлими раиси Б. Примбетов Х. Есенқара қизининг маданият соҳасидаги кўп йиллик самарали фаолияти ҳақида гапирдилар.

Сўз навбати Х. Есенқара қизига берилгач, у ижод аҳлига бу қадар ҳурмат ва эътибор илгари бўлмаганини таъкидлади ҳамда ушбу эзгу тадбир ташаббускори – шаҳарнинг собиқ ҳокими Е. Айтахановга миннатдорчилик изҳор қилди.

Тадбирда Х. Шалабаева, М. Изгенова каби таниқли хонандалар, шунингдек, талаба ва ўқувчилар ижросидаги кўшиқ ҳамда шеърлар барчага манзур бўлди.

З. АХМАДЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

● Обуначиларимиз орасида

ОФАТ АЙТИБ КЕЛМАЙДИ

ЁКИ МЕҲР-МУРУВВАТ БИЛАН ҲАЁТ МУНАВВАР



Доимий обуначимиз, Туркистон шахрининг фахрий оқсоқоли унвони соҳиби, Шавгар кичик туманидаги 2-шўба раиси Абдуғани Абдурахмонов шаҳарнинг Алпамис ботир кўчасидаги А. Назарбеков хонадонидан рўй берган ёнғиндан сўнг ушбу оилага ёрдам кўрсатиш акциясида фаол иштирок этди.

Вилоят оқсоқоллар кенгаши раиси Жарилқасин Азретбергенов раҳбарлигида уюштирилган мазкур акцияда «Ўртоқ» масжиди мутаваллиси Ҳайдар Рўзиметов ҳам қатнашди. Жабр кўрган

оилага ўртоқликлар 20 минг тенге ёрдам кўрсатишди. Шунингдек, ижтимоий дўшкондан кийим-кечак ҳамда кўмир ажратилди.

– «Ўртоқ» мавзеси Э. Бобоев кўчасидаги хонадонда ўтган ойда рўй берган ёнғин оқибатларини бартараф этиш учун кўмак тариқасида ҳимматли инсонлар ёрдамида 40 донна шифер ҳамда усталар билан ёрдам кўрсатдик. Хонадон соҳибаси Маҳмуда Абдурахмонова оғир дамда ёрдам кўрсатган олиҳиммат инсонларга миннатдорчилик билдиради.

Бу хайрли иш келгусида ҳам давом этади, – деди А. Абдурахмонов.

Вилоят ҳокими Ўмирзақ Шўкеев шаҳар ҳокими Рашид Аюповнинг ҳисобот йиғилишидаги маърузасида Ж. Азретбергенов раҳбарлик қилаётган вилоят оқсоқоллар кенгашининг Туркистонда тозалик, ободончилик ҳамда хайрия ишларида фаоллигини айтиб, миннатдорчилик билдирган эди.

«Ўртоқ» масжиди намозхонларига ҳар мавсумда Ниёз Назар ўғли 20, Абдуғани Абдурахмонов эса 5 нусха «Жанубий Қозоғистон»ни бепул ёздириши анъанага айланган. Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Сен яхшиликдан нима ёмонлик кўрдингки, ҳануз яхшилик қилмаяпсан» деган ҳикматли сўзлари ҳар бир туркистонликка тааллуқли. Яхшилик, мурувват ва ҳиммат кўрсатишга шошилайлик, биро-дарлар!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: фаоллар.

А. ЛЕШЕНКО тасвири.

АБАЙНИ
ТАНИШ

Мамлакатимизда улуғ мутафаккир, оқин ва файласуф Абай Қўнанбаевнинг 175 йиллигини нишонлашга катта таъйергарлик кўрилмоқда.

Зеро, унинг меросини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси.

Қозоғистон Президенти Қ. Тўқаевнинг «Абай ва XXI асрдаги Қозоғистон» мақоласини кўпчилик қатори мен ҳам зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Бу мақола, айниқса, биз – ёшлар учун муҳим дастурил-амалдир. Аввало, Абайнинг ҳаёти, ижодий фаолияти билан яқиндан танишиб чиқишимиз керак.

Таъкидлаш жоиз, Абай ҳақида илгари ҳам эшитгандим, айрим шеърларидан хабардор эдим. Ле-

кин, афсуски, М. Ауезовнинг «Абай йўли» романини ўқимаган эканман. Айни кунларда уни ўқишга киришдим. Тенгдошларим ҳам ўқиб чиқишса, фойдадан холи бўлмасди.

Зеро, асарда таъкидланганидек, «комил инсон» бўлиш йўлида тинимсиз изланишимиз, ўқишимиз ва ўрганишимиз зарур.

И. АБДУКАРИМОВ,
Сайрам туман бандлик ва ижтимоий дастурлар бўлимининг «Уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази» ходими.

Директор - Бош муҳаррир — Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир

ўринбосарлари:

Муроджон АБУБАКИРОВ.

Ислом АБДУНАБИЕВ.

Масъул котиб –

Авазхон БҲУРОНБОЕВ.

Бўлимлар:

Умумий бўлим — Мухтабар УСМОНОВА.

Адабиёт ва санъат, спорт — Хуршид ҚҶЧҚОРОВ.

Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МҲМИНЖОНОВ.

Махсус мухбирлар:

Туркистон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.

Тўлебий, Қазигурт — Баҳорой ДҲСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.

Сайрам, Тулкибош — Ислом НИЁЗАЛИЕВ. 8(72531) 24-274.

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
● Туркистон вилоятида тарқатилмади.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-уй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2012 й. 26 мартда рўйхатга олинди, 12357-Г гувоҳнома берилган.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 12600 нусха.

«ERNUR-print» МЧБ Босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Буорлма: 444.

Навбатчи муҳаррир: Саодат ШАРИФБОЕВА.